MOLIYA
ILMIY JURNAL

6
2016



ISSN 2010-9601

TOSHKENT

МУНДАРИЖА

МОЛИЯ ВА БЮДЖЕТ

Ф.Ў.ШАРИПОВ. Ташқи савдо ва унинг иқтисодий ўсишга таъсири.....5

БУХГАЛТЕРИЯ ҲИСОБИ ВА АУДИТ

Д.Э.НОРБЕКОВ. Хўжалик юритувчи субъектларда ички аудит хизмати натижаларини расмийлаштириш тартиби.....12
А.А.ОСТОНОКУЛОВ. Эркин иқтисодий зоналарда бухгалтерия ҳисобини такомиллаштириш масалалари.....19
Б.К.ХАМДАМОВ. Валюта муомалалари аудитини такомиллаштириш.....23
О.МАШАРИПОВ. Совершенствование применения рабочих стандартов аудита в аудиторских организациях.....29
И.И.МЕЛИЕВ. Аудит ўтказиш босқичларини такомиллаштириш йўналишлари..37

БАНК ИШИ

А.А.ОМОНОВ, Ш.А.АБДУНАЗАРОВ. Банк активларини бошқаришнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари.....43
Г.О.ТУРДЫЕВА. Кредит қобилияти таҳлилининг ташкилий жиҳатлари.....49
Д.С.ДЖУМОНОВ. Пул муомаласи қонунлари ва уларнинг миллий валюта барқарорлигини таъминлашдаги роли.....55

ИҚТИСОДИЁТ НАЗАРИЯСИ

Б.Қ.ХУСАНОВ. Савдо корхоналарида молиявий ресурслардан рационал фойдаланиш механизмини такомиллаштириш.....59
С.АБДУЛЛАЕВ. Ўзбекистонда иқтисодий ўсишнинг ҳудудий жиҳатлари, омиллари, тамойиллари.....64

УЎТ: 336.1

Д. ДЖУМОНОВ

ПУЛ МУОМАЛАСИ ҚОНУНЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МИЛЛИЙ ВАЛЮТА БАРҚАРОРЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШДАГИ РОЛИ

Мақолада пул муомаласи қонунлари бўйича иқтисодчи олимларнинг назарий қарашлари тадқиқ этилган ва уларга нисбатан муаллифнинг муносабати билдирилиб, муаллифлик таҳлили олиб борилган.

Таянч сўзлар: *марказий банк, пул муомаласи, пул агрегати, нақд пуллар, депозитлар, пул айланиш тезлиги*

В статье подвергаются обсуждению взгляды ученых-экономистов относительно закона денежного обращения и дается авторское определение на него.

Ключевые слова: *центральный банк, денежный вопрос, денежный агрегат, наличные деньги, депозиты, скорость денежного оборота.*

Article discusses views of economists on Law of money circulation their attitude, as well as their way of defining Law of money circulation.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлаш муомаладаги пул массасини тартибга солишнинг муҳим масаласи ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, пул муомаласи қонунлари орқали амалга оширилади.

Дастлаб пул муомаласи қонуни товарлар муомаласи учун зарур бўлган пул миқдорини аниқловчи қонун сифатида эътироф этилган. Муомала жараёнида товарлар маълум баҳоларда сотилади. Бу қиймат қонунининг амалдаги намоён бўлиш шаклларидан бири ҳисобланади. Товарлар муомаласига нисбатан қўлланилган ушбу пул муомаласи қонунининг моҳияти қуйидаги шаклларда намоён бўлади:

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорига ишлаб чиқариш ривожи ва шарт-шароитларига боғлиқ бўлган турли хил омиллар таъсир кўрсатади. Муомала учун зарур бўлган пул миқдорига таъсир кўрсатувчи асосий омил - бу товарлар ва хизматлар баҳоси ҳисобланади. Пул миқдори товарлар ва хизматлар баҳосига тўғри пропорционал, яъни товарлар ва хизматлар баҳосининг ошиши муомалага кўп пул чиқаришни талаб қилади.

Пул миқдорига таъсир қилувчи иккинчи омил пулнинг айланиш тезлиги ҳисобланади. Бу омил пул миқдорига тескари таъсир кўрсатади. Одатда, пул қанчалик тез айланса, муомала учун зарур бўлган пул миқдори шунча кам талаб килинади ва аксинча. Буни 1- жадвал маълумотларидан ҳам кўришимиз мумкин.

1-жадвал

Ўзбекистонда монетар кўрсаткичлар динамикаси

Кўрсаткичлар	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Пул массаси (млрд, сўм)	6511	9171	1397	18498	23577	29839	37005
Пул массаси (йиллик ўсиш суръати, %)	38,7	40,8	52,4	32,3	27,5	26,6	24,0
Пул айланиш тезлиги	5,8	5,3	4,4	4,2	4,1	3,9	3,8
Нақд пуллар/пул массаси	0,41	0,38	0,31	0,28	0,23	0,20	0,19

Жадвал маълумотларига қарайдиган бўлсак, Ўзбекистонда 2008-2014 йиллар давомида пул айланиш тезлиги камайиб борганлиги сабабли пул массасининг йиллик ўсиш суръати ўсиб борган. Масалан, 2010 пул айланиш тезлиги 2009 йилга нисбатан камайганлиги сабабли муомала учун зарур бўлган пул миқдори 52,4 % кўпайган.

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини камайтириш учун қуйидаги чораларни амалга ошириш муҳимдир. Булар:

- истеъмол кредитини ривожлантириш; кредитга қанчалик кўп товар сотилса, шунча кам миқдорда пул муомалага керак бўлади;
- нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг ривожланиши:
- пулларнинг муомала тезлигини оширишга эришиш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йилдаги "Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 3-сонли қарорига асосан пул массаси устидан самарали назорат қилинишини таъминлаш, пул агрегатларини тартибга солишнинг замонавий усулларини амалиётга кенг жорий этиш натижасида пул агрегатлари ҳажми ва таркиби ўзгармоқда. Ўзбекистонда нақд пул эмиссияси даражаси пасайиб бормоқда, буни қуйидаги 2-жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

2-жадвал

Ўзбекистонда нақд пуллар ва депозитлар ўртасидаги нисбат

	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014
Нақд пуллар/депозитлар	0,69	0,62	0,45	0,39	0,31	0,26	0,24
Нақд пуллар/пул массаси	0,41	0,38	0,31	0,28	0,23	0,20	0,19

Амалиётда нақд пулларнинг депозитларга нисбати ҳам аниқланиб борилади. Бу кўрсаткич қуйидаги формула орқали ҳисобланади.

$$c = \frac{\text{нақд пуллар}}{\textit{депозитлар}}$$

Бу ерда, с - нақд пуллар ва депозитлар ўртасидаги нисбат.

Масалан, 2014 йилда нақд пуллар 7080 млрд сўмни, депозитлар 29925 млрд сўмни ташкил қилган бўлса, нақд пулларнинг депозитларга бўлган нисбати қуйидагича ҳисобланади.

$$c = \frac{\text{нақд пуллар}}{\textit{депозитлар}} = \frac{7080}{29925} = 0{,}24$$

Муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлашда пул муомаласининг кенгайтирилган формуласидан фойдаланган ҳолда, нақд пуллар миқдорига алоҳида баҳо берилиши лозим. Бунинг учун қуйидаги формуладан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\frac{M_0}{M_2} x100\%$$

Бунда:

М - муомалага чиқарилган нақд пулларнинг миқдори;

М2 - кенгайтирилган пул агрегати (талаб қилиб олинадиган депозитлар, муддатли депозитлар, жамғарма депозитлари).

Тараққий этган мамлакатларда, хусусан, АҚШ ва Японияда нақд пулларнинг умумий пул массаси ҳажмидаги салмоғи 9-11 фоиз оралиғида тебранмоқда. Демак, республикамизда самарали пул-кредит сиёсати олиб борилиши натижасида 2008 йилда нақд пулларнинг умумий пул массаси ҳажмидаги салмоғи 41% ташкил этган бўлса, 2014 йилда бу кўрсаткич 19% гача камайди.

Пулнинг миқдорийлик назарияси ва монетаризм мактаби вакиллари муомала учун зарур бўлган пул миқдорини бошқача тарзда аниқлайдилар. Бунинг учун И.Фишернинг алмашув тенгламасидан фойдаланилади:

$$M = \frac{PxQ}{V}$$

Бунда:

М - муомаладаги пул массаси;

Р - товарларнинг ўртача баҳолари;

Q - товарлар ҳажми;

V - пул бирлигининг айланиш тезлиги.

Ушбу пул муомаласи қонуни муаллифларининг фикрига кўра, мамлакат иқтисодиётида ишлаб чиқарилган ва кўрсатилган хизматларнинг жорий баҳо бўйича тўлиқ сотиш имконини берадиган пул маблағлари мавжуд бўлиши лозим.

Жаҳон иқтисодиёти ривожланишининг ҳозирги босқичида пулнинг тўлов воситаси функциясини бажара оладиган молиявий инструментлар муомаласи (тижорат векселлари, чеклар ва ҳ.к.) такомиллашди, ўзаро талаб ва мажбуриятларни воз кечишга асосланган ҳисоб-китоб усули пайдо бўлди. Бундай ўзгаришлар пул муомаласи қонунига тегишли ўзгартиришларни киритиш заруриятини юзага келтирди.

Ҳозирги даврда пул муомаласи қонуниятининг моҳиятини қуйидаги формула орқали ифода этиш мумкин:

$$П_м = \frac{СТБС + МКТС - ЎКТС - КУС - МКТС + МБКХОВС}{ПАТ}$$

Бунда: СТБС - сотиладиган товарлар баҳолари суммаси;

МКТС - муддати келган тўловлар суммаси;

ЎҚТС - ўзаро қопланган тўловлар суммаси;

ҚЎС - қарзларни узатиш суммаси;

МКТ - муддати кечиктирилган тўловлар суммаси;

МБҚҲОВС - Марказий банкда қайта ҳисобга олинган векселлар суммаси.

Қатор иқтисодчи олимлар юқорида қайд этилган кенгайтирилган формуланинг барча элементларини замонавий статистика ҳисоблай олмайди, деб ҳисоблашади ва муомала учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлашнинг кучайтириш формуласини таклиф қилишади:

М=РхQ:У (5)

Ушбу ёндашув тарафдорлари бозор муносабатлари шароитида алмашув тенгламаси нисбатларини барқарор тарзда сақлаб туришнинг иложи бўлмайди, пул массаси ва товар айирбошлашга таъсир қилувчи омилларнинг таъсир йўналишлари турлича бўлиши мумкин, деб ҳисоблашади. Масалан, аҳоли даромадлари ҳажмида жамғарманинг салмоғини ошиши пулнинг айланишини секинлаштиради ва сотиб олинадиган товарлар миқдорининг камайишига олиб келади. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, турли пул белгилари турлича айланиш тезлигига эга. Шу сабабли, товарлар муомаласи учун зарур бўлган пул миқдорини аниқлашда нафақат муомаладаги пул массасининг ҳажми, балки пул белгиларининг турлари ҳам муҳим аҳамият касб этади.

Пул муомаласи қонуни орқали муомала учун зурур бўлган нақд пуллар миқдори ва унинг айланиш тезлиги ҳам аниқланади. Бунда қуйидаги формуладан кенг фойдаланилади:

$$V = (T + S)x\frac{Q}{M_o}$$

Бунда:

V - нақд пулларнинг айланиш тезлиги;

T - товар айланмаси;

S - тўлов хизматлари;

Q - товарлар ва хизматлар миқдори;

M - муомаладаги нақд пуллар.

Мазкур кўрсаткичнинг амалдаги даражасини ошиши пул айланмаси учун камроқ миқдорда нақд пуллар керак бўлишини англатади.

Амалиёт шуни кўрсатадики, пулнинг айланиш тезлиги ўзгармасдан қолганда, муомаладаги пул массаси жорий баҳоларда ҳисобланган реал ЯИМ га нисбатан тез ўсади. Шу сабабли, пул муомаласи қонунининг янада такомиллашган формулаларини яратиш масаласи долзарблигини йўқотмайди. Чунки, амалдаги формулаларда пуллар таклифининг оптимал даражаси миллий валютанинг барқарорлиги, инфляциянинг оптимал даражасини таъминлаш имконини бермайди.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги (янги таҳрири) Қонуни. Ўзбекистон Республикаси молиявий қонунлари. 1-3. -Тошкент: Ўзбекистон, 2004. - Б. 25-44.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 5 августдаги ПҚ-147-сонли «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида»ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси молиявий Қонунлари. I-П- Тошкент: ГРПП Картография, 2005. -Б. 20-23.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Пул-кредит кўрсаткичларини тартибга солиш механизмини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 3-сонли қарори. Ўзбекистон банк тизимини ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш бўйича қонунчилик хужжатлари тўплами. - Тошкент: Ўзбекистон, 2003. -Б. 174-176.

4. Бобакулов Т.И. Миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш: муаммолар ва ечимлар. - Тошкент: Fan va texnologiya, 2007. - 181 б.

5. Милтон Фридмен. Основы монетаризма. -М.: ТЕИС, 2002. -177 с.

6. www.cbu.uz

Тошкент молия институтининг «Таҳририят ва нашриёт»
бўлимида нашрга тайёрланди.

Материаллар кўчириб босилаётганда «Молия» илмий журналидан олинганлиги кўрсатилиши шарт.

Журналда эълон қилинаётган материаллардаги далиллар, рақамлар ва маълумотларнинг тўғрилиги учун уларнинг муаллифлари жавобгар ҳисобланади.

Таҳририят фикри доим ҳам муаллифлар фикрига мос келавермайди.

Таҳририятга юборилган қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Молия» илмий журналига «Матбуот тарқатувчи» АК ҳамда
«INTER PRESS» компаниялари орқали обуна бўлиш мумкин.

Теришга берилди: 15.12.16 й. Босишга рухсат этилди: 21.12.16 й. Бичими 70x108 1/16.
Ризография усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 12,6.
Ҳисоб-нашр табоғи 12,6.
Адади 304 нусха. Буюртма № 65

Босмахона гувоҳномаси № 10-0635
Тошкент молия институти босмахонасида ризография
усулида чоп этилди
100000, Тошкент, Амир Темур шоҳ кўчаси 60-а уй.